**Келгуси сонларда ўқинг...**



## Тескари дарё хавф солмоқда(ми)?..





2023-yil
18-aprel
seshanba
№ 48
(4800)

# Ishonch

*Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!*

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan


Иқлим

## *Ҳафта давомида бизни қандай об-ҳаво кутмоқда?*

Бугун мамлакатимиз ҳудудининг катта қисмида қуруқ, лекин салқин об-ҳаво бўлиши кутилмоқда, дея хабар бермоқда hydromet.uz.

Фақат Фарғона водийси вилоятларида ва Сурхондарё вилоятининг баъзи жойларида ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлиши мумкин. Айрим жойларда дўл ёғиши эҳтимоли бор. Чўл ҳудудларда ва Фарғона водийсида шамолнинг тезлиги 17-22 м/с гача кучайиши, баъзи жойларда чанг тўзон билан кузатилиши кутиляпти. Кундузги ҳарорат **12-15°,** республика шимолида **7-12°** илиқ атрофида бўлади. Кечаси ҳарорат **2-7°** илиқ, шимолда баъзи жойларда **3°** гача совуши мумкин.

19 апрелдан бошлаб антициклон республика ҳудудидан чекина бошлайди. Ҳафта охиригача ҳарорат кечаси **4-7°** илиқ атрофида бўлади, кундузи аста-секин кўтарилади ва жума кунига келиб ҳарорат **20-23°** гача кўтарилади.

Бугуннинг нафаси



## Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси

## РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАРЧА ХОДИМЛАР КЕТМА-КЕТ 3 КУН ДАМ ОЛИШИ МУМКИН

*5 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар дам олиш кунлари:*

**22 апрель** – шанба;
**23 апрель** – якшанба;
**24 апрель** – душанба
*(кўчирилган дам олиш).*

Яъни, 5 кун ишловчилар учун душанба куни дам, 29 апрель – шанба эса иш куни бўлади.

Агар 22 апрель – шанба Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолари хулосаси асосида Ўзбекистонда Рамазон ҳайитининг 1-куни сифатида белгиланса, 21 апрель – жума куни кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида 1 соатга қисқартирилади.

| Du | Se | Cho | Pa | Ju | Sha | Ya |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1 | 2 |
| 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |

Бухоро вилояти

**Гендер тенглик тушунчаси жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг тенглигини англатади.**

Муносабат

## Мустаҳкам ҳимоя устуни

Кўп йиллар давомида муҳокамалар, тортишувлар, мунозараларга сабаб бўлиб келган ушбу масала янгиланаётган Конституциямизда муҳрланмоқда. Яъни бош қомуснинг 58-моддасида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари тенглиги аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Мазкур норманинг киритилиши хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштироки таъминланиши натижасида 2030 йилга қадар бошқарув лавозимларида ишловчи хотин-қизларнинг улуши камида 30 фоизга етиши таъминланади. Энг аввало, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини оширишга, шунингдек, парламент, ҳукумат, вазирликлар ва ҳокимият ишларида кенгроқ жалб этиш имкониятини яратади.

Яқинда ўтказилажак референдумда айни шу ўзгариш учун ҳам фаол иштирок этишни мақсад қилганман.

**Адолат АКРАМОВА,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари

## Янги Конституция – янгича ҳаёт кафолати

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг маъсул ходимлари Ш. Алимухамедов ва З.Авизовлар 30 апрелда бўладиган референдумни муваффақиятли ўтказиш бўйича олиб борилаётган ташвиқот-тарғибот ишларида фаол қатнашмоқдалар. Ўзларига бириктирилган жойларда учрашувлар ташкиллаштириб, иштирокчиларни Бош қомусимизга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан батафсил таништирмоқдалар.**

Бундай тадбирлар Бектемир туманидаги «Иқбол», «Олтинтопган», «Мусаффо» ва бошқа бир қанча маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам ўтказилди. Сўзга чиққанлар Конституциямизга киритилган янги моддалар ва нормалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, касаба уюшмалари зиммасига юклатилган устувор вазифалар асосида маҳаллий аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож катламларини аниқлаш ва уюшма томонидан тегишли ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилганини, улар марказлаштирилган ҳолда амалга оширилишини ва изчил давом эттирилишини таъкидладилар.

Ўз навбатида, иштирокчилар янги қомусимиз том маънода халқ Конституциясига айланаётганини, у юртдошларимизни келажакка умид билан қарашга ундаши, фуқароларнинг барча ҳуқуқлари таъминланиб, эркин яшаш учун замин яратиши билан ажралиб туришини эътироф этишди. Шунга кўра, референдумда ихтиёрий равишда қатнашиб, янги Конституциямиз учун овоз беришларини билдиришди.

**Нормурод ҲАСАНОВ,**
меҳнат техник инспектори

Фарғона вилояти

Касаба уюшма аралашгач...

## Даъво асосли эди

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Фарғона вилояти бошқармаси ходимаси Муҳайё Иброҳимова меҳнатга оид ҳуқуқлари бузилганидан норози бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилди.**

Мурожаат Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Ўрганишлар давомида Муҳайё Иброҳимовага 2021 йилнинг октябрь-декабрь ойларида ишга жалб этилган кунлари учун 6 фоизли қўшимча тўловлар тўланмагани маълум бўлди.

Мазкур ҳолат бўйича иш берувчи билан мулоқотлар ўтказилиб, тушунтириш берилгани наф бермагач, иш судга оширилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан мурожаатчи Муҳайё Иброҳимовага тўланмай қолган 12 миллион 514 минг сўм иш ҳақи ва 3 миллион сўм маънавий зарар ундириб берилди.

**Зафаржон ҚУРБОНОВ,**
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори




3-саҳифада ўқинг

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги «Очиқ бюджет» ахборот порталида

## «МЕНИНГ ЙЎЛИМ»

**лойиҳасининг жорий йилги мавсумига 17 апрелдан старт берилганини маълум қилди.**

*«Менинг йўлим» лойиҳасининг жорий йилги мавсуми учун*

**312 млрд**

*сўмдан ортиқ маблағлар ажратилиши белгиланган.*



Лойиҳа доирасида **таклиф киритиш** жараёни жорий йилнинг **27 апрел санасига қадар** давом этади. Киритилган таклифлар учун **овоз бериш** жараёнлари **28 апрелдан 7 май кунига қадар** ўтказилади.

Сирдарё вилояти

## Фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун 133 945 848 сўм компенсация тўланди

**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгашига Сайхунобод тумани тиббиёт бирлашмаси акушерлик комплекси собиқ бўлим мудираси Ҳалима Усанова мурожаат қилди. У ўзи билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилингани, фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун пуллик компенсация тўлаб берилмаганига эътиборни қаратиб, амалий ёрдам сўраган.**

Ўрганиш жараёнида ҳақиқатан ҳам, мурожаатчига фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар тўланмагани аниқланди. Шундан сўнг, Сайхунобод тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори номига кўрсатма хати киритилиб, Ҳалима Усановага ушбу йиллар учун пуллик компенсация тўланиши сўралди.

Тиббиёт бирлашмаси кўрсатма ижросини таъминлашни рад этгач, 2022 йил 7 октябрь куни фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд Ҳалима Усанова фойдасига 25 114 848 (йигирма беш миллион бир юз тўрт минг саккиз юз қирқ саккиз) сўм миқдорида пул маблағи ундирилиши юзасидан ҳал қилув қарори чиқарди. Лекин ушбу қарордан қониқиш ҳосил қилинмай, 2022 йил 22 ноябрда фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди апелляция судлов ҳайъатига шикоят аризаси киритилди.

Мазкур иш жорий йилнинг 21 февралида кўриб чиқилиб, 1-инстанция судининг 2022 йил 8 ноябрдаги иши юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига ўзгартириш киритилди. Натижада, Сайхунобод тумани тиббиёт бирлашмасидан Ҳалима Усанова фойдасига фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун 133 945 848 (бир юз ўттиз уч миллион тўққиз юз қирқ беш минг саккиз юз қирқ саккиз) сўм ундирилиши лозимлиги белгиланди.

**Абураҳим АЛБЕКОВ,**
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори


www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi
https://t.me/ishonchgz

*Навоий вилояти*

**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари IV мажлиси бўлиб ўтди.**

**Фаолият**

# ҲОКИМЛИК КАСАБА УЮШМАСИДА ЎЗГАРИШ

Мажлисда вилоят кенгаши раиси Назира Тоғаева тизимда олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ва аъзолар сафини янада кенгайтириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг сўзга чиққан тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти кенгаши раиси Учқунжон Аҳмедов аъзолар таркибига ўзгартишлар киритиш лозимлигини айтиб ўтди.

Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Кармана тумани ҳокимлиги касаба уюшмаси қўмитаси раиси Дилбархон Ҳотамова ҳамда вилоят молия бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Шуҳратжон Иброҳимов кенгаш аъзолигидан чиқарилди. Бўшаган ўринларга вилоят давлат архиви касаба уюшма қўмитаси раиси Дилфуза Каримова ҳамда молия бошқармаси вакили Абдушукур Туробов сайланди.

Мажлис қарори билан Мансуржон Мансуров Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти кенгаши раиси ўринбосари сифатида фаолият юритадиган бўлди.

**Нормурод МУСОМОВ**
«ISHONCH»

*Фарғона вилояти*

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

# «Ҳунар ўрганиб, ҳаётим ўзгарди»

**Фурқат туманида хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш бўйича ўтказилган хатлов якунларига кўра, 3 минг 557 нафар хотин-қиз тоифалар бўйича «Аёллар дафтари»га олинган бўлиб, ҳозирда уларга амалий ёрдам кўрсатиш ишлари давом этмоқда.**



Шу кунгача дафтарга киритилган, тадбиркорлик билан шуғулланиш, касб-ҳунарга ўқиш истагидаги аёлларнинг 205 нафари махсус ўқув курсларда ўқитилди.

Ўқув курсларини тамомлаган, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган хотин-қизларга имтиёзли кредитлар асосида 112 нафар аёлга тикув машинаси берилди.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, боқувчиси йўқ, қарамоғида ногирон фарзанди бор, тиббий ёрдамга муҳтожлиги сабабли «Аёллар дафтари»га киритилган 272 нафар хотин-қизга 326,4 млн. сўм моддий ёрдам пуллари тақдим этилди.

– Ишсизлигим боис «Аёллар дафтари»га киритилган эдим, – дейди Барнохон Эшонқулова. – Шундан сўнг мени тикувчилик ҳунарини ўрганишим учун махсус ўқув курсига таклиф этишди. У ерда малакали тикувчилардан ҳунар ўргандим. Ҳаётим буткул ўзгарди. Мана ҳозир мустақил равишда тикиш-бичиш ишлари билан машғулман.

Айни пайтда касб-ҳунарга ўқитилган 205 нафар хотин-қизга тижорат банклари томонидан тикувчилик, асаларичилик, паррандачилик, қандолатчилик каби йўналишларда имтиёзли кредитлар ажратиш ишлари амалга оширилмоқда.

**Жамшид ЭРГАШЕВ**
«ISHONCH»

*Тошкент вилояти*

**Тадбир**



# Аъзолар сони 400 нафарга кўпайди

**Чирчиқ шаҳридаги «Toshkent traktor zavodi» МЧЖда касаба уюшмаси қўмитасини ташкил этиш юзасидан йиғилиш ўтказилди. Унда Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши масъул ходимлари, завод раҳбарияти ва ишчи-ходимлари қатнашди.**



– Жамоат, ишчи-ходимлар меҳнат қиладиган жойда албатта, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўлади, – деди Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шоикром Исроилов. – Ташкилотда касаба уюшмаси тузилса, ходим муаммоларини якка ўзи эмас, балки жамоа ёрдамида ҳал қилиш имкониятига эга бўлади. Корхонада меҳнатга яраша ҳақ берилиши, иш ҳақининг ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб борилишида ходимлар ҳам бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Ишонамизки, мазкур заводда ҳам касаба уюшмаси ташкилоти фаолият юритиши ҳақ-ҳуқуқларингиз тўла ҳимоя этилишининг мустаҳкам асоси бўлади.

Йиғилишда ишчи-ходимларнинг касаба уюшмаси қандай ташкилот, у ходимга нима беради каби қатор саволларига батафсил жавоб берилди. Йирик корхоналардаги касаба уюшма қўмитаси раислари ўз фаолиятлари, ишчиларнинг касаба уюшмасидан қандай наф кўраётгани ҳақида гапириб беришди.

Шундан сўнг заводда касаба уюшмаси ташкил этилиб, 400 нафардан зиёд ишчи-ходим аъзоликка қабул қилинди. Касаба уюшма қўмитаси таркиби шакллантирилиб, касаба уюшма қўмитаси раиси, тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

**Гулрухбегим ОДАШБОЕВА**
«ISHONCH»

*Қашқадарё вилояти*

**Шаҳрисабз шаҳридаги 10-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби фарроши Феруза Муродованинг турмуш ўртоғи ногирон. Яна бир фаррош Нуринисо Муқимованинг ҳам оилавий шароити анчайин оғир. Математика фани ўқитувчиси Йигитали Мансуровнинг уч нафар фарзанди бор. Оилада ёлғиз ўзи ишлайди...**

**Муҳокама**

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Жамоа шартномасига кўра бу ходимларга моддий ёрдам ажратилди. Умуман олганда, мазкур жамоада ҳеч ким эътибордан четда эмас. Ҳар байрамда ходимлар навбати билан рағбатлантирилади. Пенсияга чиқаётган фахрийга нафақат иш берувчи, балки мактаб касаба уюшма қўмитаси ҳам ўз совғасини тақдим этади. Ўтган йили икки нафар устозга эҳтиром кўрсатилди. Шунингдек, 10 нафар ходимнинг Бухорога саёҳати уюштирилди, беш нафар педагогнинг фарзанди янгича қиёфада таъмирланган сўлим «Зиё чашмалари» оромгоҳида ҳордиқ чиқарди. Муассасада ўқитувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши ва тармоқ спартакиадаларида фаол иштироки йўлга қўйилган. Бундай тадбирларда совринли ўринларни қўлга киритганлар касаба уюшмаси томонидан рағбатлантирилди.

Жамоа шартномасининг 2022 йилда бажарилишига бағишланган муҳокама жараёнида касаба уюшма қўмитаси раиси Мавлуда Убайдуллаева бу каби хайрли ишлар ҳақида ҳисобот берди.

Сўзга чиққанлар муассасада иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг ижтимоий шерикликдаги фаолиятига баҳо бериб, дарслар тақсимоти ҳамда ходимларни рағбатлантириш шаффофлиги, қулай ва хавфсиз иш шароитларини яратишда меҳнат муҳофазаси тадбирлари ўз вақтида ўтказилаётганини таъкидлашди.

Йиғилиш якунида янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси талаблари асосида янгиланган Жамоа шартномаси қабул қилинди.

**Акмал АБДИЕВ**
«ISHONCH»

# Сўранг, жавоб берамиз...

# Фарзанд парваришида имтиёз борми?

**САВОЛ:**

*Маълумки, оилада бола парвариши билан боғлиқ ишлар ота-онадан жуда кўп вақт талаб қилади. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида бу борада қандай имтиёзлар кўзда тутилган?*

**Дилшод БОЙҚОБИЛОВ**
Бўстонлиқ тумани

**ЖАВОБ:** Давлатимизнинг инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида бола парвариши билан банд фуқароларнинг эмин-эркин фаолият кўрсатиши учун жуда кенг кўламдаги кафолатлар ва имтиёзлар белгиланган.

Хусусан, уч ёшга тўлмаган боланинг бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда ишлайдиган ота-онасидан бирига (васийсига) ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган иш вақти давомийлиги кўзда тутилган.

Иш вақтининг қисқартирилган давомийлигида ушбу ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳар куни тўлиқ ишлайдиган ходимлар учун белгиланган миқдорда амалга оширилади.

Уч ёшга тўлмаган боланинг бюджетдан молиялаштирилмайдиган иш берувчиларда ишлайдиган ота-онасидан бирига васийсига, қисқартирилган иш вақти давомийлиги жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномаси ёки иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган ички ҳужжатларда белгиланиши мумкин.

Иш берувчи ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган) боланинг ота-онасидан бирининг, шунингдек, оиланинг бетоб аъзосини парваришлашни амалга ошираётган шахснинг илтимосига кўра, уларга тиббий хулосага мувофиқ тўлиқсиз иш вақти белгилаши шарт.

Ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани тарбиялаётган ота-онадан бирига ойига қўшимча бир дам олиш куни берилиб, давлат ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан шу вақт учун бир кунлик иш ҳақи миқдорида нафақа тўланади.

Болани парваришлаш таътилидан фойдаланаётган ходимга йиллик меҳнат таътили, унинг хоҳишига кўра, бола парваришлаш таътилидан олдин ёхуд ундан кейин берилади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган бир нафар ва ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани) тарбиялаётган ёлғиз отага, ёлғиз онага (бева эркакларга, бева аёлларга, никоҳдан ажрашганларга, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик меҳнат таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, улар учун қулай бўлган вақтда берилади.

Ўн икки ёшга тўлмаган икки нафар ва ундан ортиқ боланинг ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига ҳар йили давомийлиги камида тўрт календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил, шунингдек, ҳар йили иш ҳақи сақланмаган ҳолда давомийлиги камида ўн тўрт календарь кун бўлган таътил берилиши ҳам белгилаб қўйилган.

Кодексда булардан ташқари бошқа бир қатор кафолатлар ва имтиёзлар ҳам кўзда тутилган.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

# Оламда

## Остонада қор



Остонада уч кун давомида 37,6 миллиметр ёғингарчилик кузатилди. Шу билан бирга, ойлик ёғингарчилик даражаси 22 миллиметрни ташкил этди.

tengrinews.kzнинг хабар беришича, Остона халқаро аэропортида тўртта учиб келиш ва тўртта учиб кетиш рейслари кечиктирилган.

## «Чехия қашшоқликка қарши»

16 апрель куни минглаб одамлар Прага марказига тўпланиб, Чехия Республикасининг ўнг марказчи ҳукуматига эътиборни Украинага қаратганликда ва мамлакатдаги иқтисодий муаммоларни эътиборсиз қолдирганликда айблади.

Намойишчилар Чехияни НАТОдан чиқиши ва Украинада тинчлик музокараларини ўтказишга чақирувчи баннерларни кўтариб олди, деб ёзади AFP ахборот агентлиги.

Германиянинг dpa нашри маълумотларига кўра, Украина байроқларини кўтариб олган бошқа намойишчилар билан тўқнашувларнинг олдини олиш учун воқеа жойига 200 нафарга яқин полициячи сафарбар этилган.

«Чехия қашшоқликка қарши» шиори остидаги митингни парламентдан ташқари PRO партияси (Právo Respekt Odbornost) ташкил этди. Худди шундай норозиликлар бир ой олдин ҳам бўлиб ўтган эди.



## Япон денгизида қўшма ҳарбий машғулотлар

Жанубий Корея, АҚШ ва Япония Япон денгизининг халқаро сувларида ракетага қарши мудофаа машқларини бошлаган.

Жанубий Корея ҳарбий-денгиз кучларининг хабар беришиича, қўшма ҳарбий машғулотлар хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва КХДР томонидан ортиб бораётган ракета таҳдидларига самаралироқ қарши туришга қаратилган.

17 апрель куни машғулотларда Жанубий Кореянинг 60 дан ортиқ, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг 40 га яқин самолёти қатнашган. Бундан ташқари, уларда Жанубий Кореянинг Yulgok Yi I эсминеци, Американинг USS Benfold ракета эсминеци ва Япониянинг Atago кемалари иштирок этмоқда.



Долзарб мавзу

# Сув танқислиги муаммоси

## Глобал иқлим ўзгариши туфайли Ўзбекистонда ҳам тобора мураккаблашаётган бу муаммонинг олдини олиш учун қандай чоралар кўриш зарур?



**Сув ва энергетика ресурслари Марказий Осиё давлатларини бирлаштирувчи омил ҳисобланади. Дарёлар ирмоғида жойлашган тоғли икки мамлакат – Қирғизистон ва Тожикистон жуда катта чучук сув захираларига ва улкан гидроэнергетик салоҳиятга эга. Дарёларнинг ўрта ва қуйи оқимидаги Ўзбекистон, Қозоғистон, айниқса, Туркманистонда қазиб олинадиган ёқилғининг катта захиралари мавжуд. Аммо улар сув ва суғориладиган деҳқончилик билан бевосита ёки билвосита боғлиқ аҳоли ҳаётини таъминлаш борасида юқоридаги қўшниларига боғланиб қолган.**

Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг сувга бўлган талаби асосан трансчегаравий Амударё ва Сирдарё ҳисобига қондирилади. Бироқ ўрганишлар натижаларига қараганда, 2025 йилга бориб, иқлим ўзгариши, глобал ҳарорат ошиши туфайли бу дарёларни сув билан таъминлаётган музликлар захираси 15-20 фоизга озайиши кутилмоқда. Тоғ музликлари ҳажми йилига 0,2-1 фоиз атрофида камаяётгани, тоғ дарёлари ҳавзаларида қор захиралари қисқараётгани фикримизнинг исботидир.

Иқлим ўзгариши туфайли минтақамизда ёз фаслига хос давр чўзилади. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш меъёри 2030 йилда 5 фоизга, 2050 йилда 7-10 фоизга ва 2080 йилга бориб ҳозиргидан 12-16 фоизга ошади.

Минтақадаги ер ости сувлари ҳажми тахминан 43,49 куб км.дир. Сув ресурсларининг 80 фоизидан қишлоқ хўжалигида, 7-8 фоизидан саноатда, қолган қисмидан рўзғорда, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа мақсадларда фойдаланилади. Ҳудуддаги сув муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан бешта республика ўртасида қабул қилинган «Давлатлараро манбаларнинг сув ресурсларидан биргаликда фойдаланишни бошқариш ва қўриқлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида»ги келишув асосида тартибга солинади. Қолаверса, Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси фаолият юритади. У 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, таркибига котибият, Сирдарё ва Амударёнинг иккита ҳавза ташкилоти ва илмий-ахборот маркази киради. Комиссия кенгашлари йиғилиши йилига икки марта ёки ундан кўпроқ ўтказилади. Қарорлар ўзаро муроса асосида қабул қилинади. Шунга қарамай, сувга эҳтиёжи баланд Ўзбекистонда сув муаммолари борган сари кўпаймоқда. Улар асосан қуйидагилардан иборат:

*1. Иқлим ўзгариши оқибатида ичимлик сув танқислиги юзага келиши.*

*2. Ичимлик сувнинг аҳоли томонидан тежалмасдан, исроф қилиниши.*

*3. Ичимлик сувни тегишли корхоналар томонидан аҳолига етказиб беришдаги муаммолар.*

*4. Ўрта ва кичик аҳоли пунктларидаги канализация ва оқава сувларни тозалаш муаммоси.*

*5. Сувнинг аҳоли ва корхоналар томонидан ифлослантирилиши.*

*6. Сизот сувлари ва ернинг шўрланиши муаммоси.*

*7. Трансчегаравий дарёлар сувини асраш ва улардан оқилона фойдаланиш муаммоси.*

*8. Қишлоқ хўжалигида сувни тежаш муаммоси (суғоришда янги технологиялардан фойдаланиш).*

*9. Виртуал сув ҳамда унинг табиат ва жамият ҳаётидаги ўрни.*

*10. Сув изи тушунчаси ва муаммоси.*

*11. Аҳолининг сувдан фойдаланиш бўйича экологик маданияти пастлиги.*

*12. Сувдан оқилона фойдаланишга доир қонунчиликни такомиллаштириш зарурати.*

Биринчи муаммони қолган муаммолар келтириб чиқаради. Негаки, иқлим ўзгариши боис мангу музликлар захираси камайиб бориши, аҳоли сони ўсиши ҳамда уларни тоза ичимлик сув, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари ва иш билан таъминлаш зарурлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга кўп миқдорда сув ажратишга мажбурлигимиз, шунингдек, атроф-муҳит флораси ва фаунаси ўзгариши, бошқа турли сабаблар бизни, яъни юртимиздаги сув истеъмолчиларининг барчасини бу бебаҳо неъматдан самарали фойдаланишга, уни асраб-тежашга, сув тақчиллиги сабаб юзага келадиган шароитга мослашишга ундайди.

Мутахассислар хулосасига кўра, иқлим ўзгариши дунёнинг бошқа минтақалари сингари Марказий Осиёда ҳам аниқ сезилмоқда. Ўзбекистон гидрометеорологлари фикрича, кейинги юз йил ичида ҳавонинг ўртача ҳарорати $1^0$С исиган. Қозоғистонлик иқлимшунос-мутахассислар ҳисоби бўйича ўртача йиллик ҳарорат $1,4^0$С га ошиб, ёғин миқдори 17 мм. камайган. Минтақанинг бошқа давлатларида ҳам ҳаво ҳарорати кўтарилиши ва ёғин камайиши шу миқдорларда кузатилмоқда.

Соҳа олимларининг тахминича, Марказий Осиёда 2100 йилга қадар ҳаво ҳарорати $2^0$С дан $7^0$С га қадар ошади ва ёғин миқдори 8-17 фоиз камаяди. Глобал иқлим ўзгариши оқибатида 2050 йилларда оқаётган сув ҳажми Сирдарё ҳавзасида 6-10 фоиз, Амударё ҳавзасида 10-15 фоиз камайиши мумкин. Аҳолининг жон бошига сув билан таъминланганлик даражаси Ўзбекистонда йилига 1646 куб метрни ташкил этади. Бу кўрсаткич Осиё материгида 5600 куб метрга, дунё миқёсида ўртача 5996 куб метрга тўғри келади. Демак, юртимизда аҳолининг жон бошига сув билан таъминланганлик даражаси дунё кўрсаткичидан 3,5 баравар кам бўлади. Бу эса келажакда мамлакатимизнинг обиҳаётга бўлган эҳтиёжини қондириб бориш ва аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш учун ҳозирданоқ ундан оқилона фойдаланишни, ривожланган давлатларнинг ифлосланган оқава сувларни тозалаб, қайта ишлатиш бўйича тажрибасини амалиётда қўллаш юзасидан комплекс тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Яна бир муаммо виртуал сув ва ундан самарасиз фойдаланиш билан боғлиқ. Proceedings of the National Academies of Science нашрида чоп этилган тадқиқотларда жаҳон бўйича сув истеъмолига тааллуқли маълумотлар келтирилган. Дунёда ишлатиладиган сувнинг 92 фоизи қишлоқ хўжалиги улушига тўғри келади, чучугининг 27 фоизи кўп сув талаб қиладиган ғалла маҳсулотлари ва маккажўхори етиштиришга сарфланади. 22 фоиз сув гўшт, 7 фоиз сув сут ишлаб чиқариш учун ишлатилади.

Тадқиқотчилар «виртуал сув»нинг мамлакатлар ўртасидаги айланишини ҳам ўрганишган. Аниқланишича, Осиёда кўп сув сарфлаб ўстирилган шоли Африкага экспорт қилинади. Дунёдаги сувнинг бешдан бир қисми айнан виртуал сув сифатида, яъни мамлакатлар ўз ҳудудида сувни камроқ сарфлаши ва сув таъминоти ифлосланишининг олдини олиши мақсадида ишлатилади. Ҳозир виртуал сувнинг асосий экспортчилари Шимолий ва Жанубий Корея, Жанубий Осиё ва Австралия, импорт қилувчилари эса Шимолий Африка, Шарқий Осиё, Европа ва Япониядир.

Виртуал сув биз ҳар куни тановул қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш учун ишлатилган сув ҳажмидир. Масалан, бир килограмм буғдой олиш учун (лалми бўлмаган ерларда)1000 литрга яқин сув сарфланади. Яъни ўша бир килограмм буғдой учун виртуал сув 1000 литрдир. Бир килограмм гўшт етиштириш учун эса 1500 литрга яқин сув керак бўлади, демак, биз истеъмол қилаётган гўштнинг нархи 1500 литр виртуал сув нархига тенгдир.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, ҳар бир одам яшаш учун кунига 1 куб метр, гўштни кўп ейдиганлар эса 2,6 куб метр ва ундан ортиқроқ ҳажмдаги виртуал сув истеъмол қилади. Албатта, сув танқис мамлакатлар бошқа давлатларда етиштирилган маҳсулотларни ёки ишлаб чиқарилган товарларни харид қилганида, виртуал сув уларга ўтади. Бу ўша ҳудуддаги сув ресурсларини тежаш имконини беради.

Глобал даражада оладиган бўлсак, виртуал сувни сотиш геосиёсий аҳамиятга эга: у турли мамлакатларни бир бири билан боғлайди. Шунингдек, ўзаро ҳамкорлик ва тинчлик асоси ёхуд аксинча, турли зиддиятлар манбаи бўлиши ҳам мумкин. Айтиш жоизки, ўртача экспорт қилинадиган маҳсулотларерусти ва ерости сувларини ички бозорда истеъмол қилинадиганларига нисбатан кўпроқ ифлослантиради.

Виртуал сув ҳақида гап кетганда, «сув изи» деган яна бир атамани ҳам тилга олмоқ лозим. Сув изи – бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар учун кетадиган умумий сув ҳажми. У маълум вақт ичида ишлатилган ёки ифлослантирилган сув ҳажми бўлиб, сувни нафақат тўғридан-тўғри, балки билвосита ишлатишни ҳам англатади. Бугунги кунда у ишлаб чиқаришга кетадиган ва истеъмол учун сарфланадиган сув изига ажратилади. Истеъмол учун сарфланадиган сув изи барча истеъмолдаги маҳсулотлар ва хизматлардан қоладиган сув изини ўз ичига олади.

Сув изи бир нафар ёки бир гуруҳ одамлар, конкрет маҳсулот ёки хизмат, корхона ёки иқтисоднинг бутун бир тармоғи, ҳудуд ёки давлат миқёсида ҳисобланиши мумкин.



**Наргис ҚОСИМОВА,**
филология фанлари доктори,
«Ekolog» жамоат бирлашмаси раҳбари

- *Бир инсоннинг сув изи – бир киши томонидан истеъмол қилинадиган ва фойдаланиладиган маҳсулотлару хизматлар учун кетадиган сув ҳажми (унга уй-коммунал хўжалиги учун сарфланадиган сув ҳам киради);*
- *маҳсулот ёки хизматнинг сув изи – маҳсулотни тайёрлаш ёки хизматни амалга ошириш учун ишлатиладиган сув;*
- *корпоратив сув изи – тижорат фаолиятини юритиш учун фойдаланиладиган сув ҳажми (унга маҳсулотни тайёрлаш, хизматни амалга ошириш, шунингдек, таъминот, логистика ва бошқа нарсалар учун сарфланадиган билвосита сув сарфи ҳам киради).*
- *ҳудуднинг сув изи деб, мамлакатдаги ишлаб чиқариш, саноат, иқтисодиёт, жамият эҳтиёжи, хуллас, давлат фаолияти учун ишлатилган сув сарфига айтилади.*

**Сув изининг қуйидаги учта тури ўзаро фарқланади:**

- *яшил из – ўсимликларни зарур обиҳаёт манбаи билан таъминлайдиган, тупроқда ёмғир ва қор натижасида тўпланадиган сув;*
- *мовий из – ҳар хил ер юзаси ва ер ости сув объектларидан олиниб, ишлатиладиган сув изи. Бунда ишлаб чиқаришда асқатадиган сув бир ҳавзадан олиниб фойдаланилади, маълум муддат ўтгач, иккинчи ҳавзага ташланади;*
- *кулранг из – ишлаб чиқариш натижасида ҳосил бўлган оқава сувлар таркибидаги ифлослантирувчи моддаларни эритиш учун ишлатилган, сув сифатини белгиланган стандартларгача оширишга қаратилган ва обиҳаёт объектларига ташланадиган сув.*

Масалан, Россиянинг бир йиллик сув изи 400 миллиард куб метрни ташкил этади. Ўзбекистонда эса 1990 йилгача турли мақсадлар учун 64 миллиард куб метр сув ишлатилган. 2008 йилдан сўнг бу кўрсаткич 51 миллиард куб метргача қисқарган. Ёки айтайлик, 1985 йилгача 1 гектар майдонни суғориш учун 22,4 минг куб метр сув сарфланган бўлса, замонавий тежамкор технологиялардан фойдаланиш натижасида 2015 йилга келиб бу миқдор 6-10 минг куб метргача камайди.

Табиийки, бутун дунё сингари Марказий Осиёда ҳам тобора долзарб тус олиб бораётган сув муаммосига Ўзбекистон ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда. Мамлакатимиз 2007 йили БМТнинг Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича, шунингдек, Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияларига аъзо бўлди. Бу ҳужжатларда барча давлатлар манфаатлари бирдай эътиборга олинган. Уларнинг асосий тамойилларидан бири трансчегаравий сув ресурсларидан адолатли ва оқилона фойдаланиш ҳамда қўшни давлатларга зарар етказмасликдир. 1966 йилги Халқаро дарё сувларидан фойдаланишнинг норматив қоидалари ва 1992 йилги Чегаралараро сув оқимлари ва давлатлараро дарёлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш конвенцияси ҳам айни йўналишдаги муҳим ҳужжатлар сирасига киради. Бундан ташқари, республикамизда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ҳам қабул қилинган.

Баъзи кишиларга чучук сув масаласи унчалик катта муаммо ёки инсоният учун хавфли бўлиб кўринмаслиги мумкин. Лекин сўнгги пайтларда мамлакатимиз обиҳаёт танқислиги, сув манбаларининг қуриши ва ифлосланиши билан боғлиқ айрим муаммоларга дуч келмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда бундай муаммоларнинг келиб чиқишига сув қимматбаҳо ресурс эканлигини тан олмаслик сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида суғориш учун зарур сувга кўпроқ эҳтиёж сезадиган мамлакатдир. Боиси, унинг суғориладиган майдонлари катта, қишлоқлари аҳолиси эса кўп ва зич жойлашган. Сувнинг катта қисмидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётгани, аниқроғи, суғориладиган деҳқончилик экологияга салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ачинарлиси, айрим ишлаб чиқариш корхоналари ишлатилган заҳарли сувларни дарёларга оқизиб, чучук сув ҳавзаларини очиқдан-очиқ ифлослантирмоқда. Чунончи, биргина 2021 йил сентябрида Зарафшон дарёсининг Кармана тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмига «Навоийазот» АЖ томонидан чиқинди сувлар ташланиши, октябрь ойида Норин дарёсига оқава сувлар оқизилиши сабабли сон-саноқсиз сув жониворлари, балиқлар, шу дарёлардан сув ичган қорамоллар, ит ва мушуклар қирилиб кетди. Бултур 10 декабрь куни тахминан соат 20.10 да эса Ангрен нефть базаси ҳудудида сиғими 5000 куб метрлик 20-сонли резервуар сифонининг жўмраги ҳаво совиши туфайли музлаб, ёрилиш рўй берган. Пировардида резервуардан 11500 литр АИ-80 бензини тўкилган, кўп ўтмай ёмғир сувига мўлжалланган лоток ариқлар орқали корхона ҳудудидан ташқарига сизиб чиқа бошлаган ва ўша атрофдаги Дукентсойга бориб қуйилган. Айни пайтда сойда балиқлар ўлаётгани айтилмоқда.

Хўш, юқорида тилга олинган муаммоларнинг ечими борми? Уларни бартараф этишга ҳамюртларимиз қай тарзда ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин?

**Биз бу саволларга жавоб тариқасида сувни тежашнинг ўнта осон йўлини эътиборингизга ҳавола қиламиз:**

- ▶ Ҳожатхонадаги унитаздан «ахлат челаги» сифатида фойдаланманг ёки ундаги сувни заруратсиз туширманг. Ҳожатхона сув таъминотининг тўртдан бирини ҳамда керагидан 40 фоиз ортиғини сарфлайди.
- ▶ *Тиш юваётганингизда ёки идиш-товоқни совунлаётганингизда сув қувури жўмрагини ёпиб қўйинг. Акс ҳолда, икки дақиқалик тиш ювиш жараёнида канализацияга 18 литр тоза сув оқиб кетади.*
- ▶ *Ичиш учун бир шиша сувни совутгичда сақланг. Совуқ сувни жўмракли қувурдан беҳуда оқизманг.*
- ▶ *Идиш-товоқ ювгични ва кир ювадиган машинасини тўлдирган ҳолда ишлатинг.*
- ▶ *Қувур ва жўмракларни текширинг, сув оқаётган бўлса, уларни дарҳол созланг. Аксарият ҳолларда сув овқат тайёрлашга ёки бошқа эҳтиёжларга сарфланишидан кўра, қувурлардан оқиши ҳисобига кўпроқ исроф бўлади.*
- ▶ *Ҳаммомга сувни тежайдиган душ, қувурларга эса сув оқиши олдини оладиган мосламалар ўрнатинг. 5 дақиқада оддий душдан 100 литр, тежамкор душдан 35 литр сув оқишини ёдда тутинг.*
- ▶ *Мева-сабзавотларни оқар сувда эмас, ичи чуқур идишда ювинг. Ишлатилган сув билан эса хонаки ўсимликларни суғоришингиз мумкин.*
- ▶ *Майсазор (ўт-ўлан)ларни ҳар уч кунда салқин тушган пайтда суғоринг. Сув сарфини камайтириш ниятида пестицидларни камроқ солинг.*
- ▶ *Хусусий автомобилингизни челакка сув олиб ювинг, шлангдан оқадиган сувдан фойдаланманг.*
- ▶ *Кўчалар ва маҳаллаларда сув оқаётган жўмракли қувурларни ёпиб юришни ўрганинг, бошқаларни ҳам шунга даъват қилинг.*
- *Автомобилдан камроқ фойдаланинг. Чунки 1 литр ёнилғи ишлаб чиқариш учун 10 литр сув сарфланади.*

---

# бугун...

## Маск кемаси Марсга элтади(ми?)

Америкалик тадбиркор Илон Маск «SpaceX» компанияси «Starship» космик кемасининг илк синов парвози амалга оширилишини маълум қилди.



АҚШ фуқаро авиацияси федерал бошқармаси Техасдаги Бока-Чика космодромидан амалга оширилиши режалаштирилган парвоз куни 17 апрелга белгилангани, захира санаси сифатида 18-21 апрель тасдиқланганини қайд этган эди.

«SpaceX» кўп бор фойдаланиладиган ва коинотнинг узоқ нуқталарига парвоз қила оладиган «Starship» фазо кемасини яратмоқда. Маск ғояси бўйича айнан «Starship» одамларни Ойга ва Марсга элтади.

## Малакали мутахассислар етишмаяпти



Германияда ҳозирги иқтисодий ривожланиш нисбатан паст бўлишига қарамай, малакали кадрлар етишмаслиги рекорд даражага етди. Германия иқтисодиёти институти (IW) маълум қилишича, ўтган йили ишсизлар орасида муносиб номзодлар йўқлиги сабабли 630 мингдан ортиқ иш ўрни бўш қолган. Бу 2010 йилдан буён кузатувларнинг бутун вақти учун энг юқори кўрсаткичдир.

Кадрлар тақчиллиги, айниқса, ижтимоий ёрдам, таълим ва тарбия соҳасида, шунингдек, қурилиш, архитектура ва муҳандислик тизимларида кучли бўлиб, ўртача ўнта ўриндан олтитаси бўш қолган. Табиий фанлар, география ва информатикада ҳам ўртачадан юқори танқислик кузатилди.

Экспертлар фикрига кўра, Германиянинг малакали мутахассислар етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларини иммиграциясиз ҳал қилиб бўлмайди.

## ЕИ ракеталар синовини кескин қоралайди

Европа Иттифоқи Шимолий Кореянинг «янги турдаги узоқ масофага учувчи баллистик ракетаси» сўнгги синовини кескин қоралайди. Бу ҳақда Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Жозеп Боррелнинг 15 апрель куни кечқурун эълон қилинган баёнотида айтилди.

Европа Иттифоқи КХДРга «БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари бўйича ўз мажбуриятларини зудлик билан бажариши ҳамда ўзининг барча ядровий қуроллари, бошқа оммавий қирғин қуроллари, баллистик ракета дастурлари ва мавжуд ядровий дастурларидан тўлиқ, тасдиқланган ва қайтариб бўлмайдиган тарзда воз кечиши ҳамда ядровий дастур билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятни тўхтатиши зарурлигини яна бир бор таъкидлади».



Баёнотда қайд этилишича, бу Корея яриморолида барқарор тинчлик ва хавфсизликка олиб борадиган ягона йўлдир.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

2023-YIL 18-APREL, SESHANBA
№ 48 (4800)

Навоий вилояти








# Меҳр қўлларининг тафти

**Нурота туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйида яшовчиларга Рамазон туҳфаси тақдим этилди.**

Қўшимча ётоқхона, замонавий ошхона, спорт зали, маънавият ва маърифат хоналари, турли байрам тадбирлари ва йиғилишларни ўтказишга мўлжалланган шинам мажлислар зали жойлашган 100 ўринли бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил қилинган тақдимот маросимида туман ҳокими Азамат Файзиев бу эзгу ишлар давлат сиёсатининг энг устувор йўналишлардан бири эканини таъкидлади.

Тадбир доирасида мазкур масканда яшовчилар томонидан тайёрланган қўл меҳнати маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

**Нормурод МУСОМОВ**
**«ISHONCH»**

Эътибор

Фарғона вилояти

Оқибат

**Наргиза Темирова Фурқат туманининг «Жангкетмон» маҳалласида истиқомат қилади. Турмушнинг оғир ташвишлари уни йиллар давомида кўп қийноқларга солган. Бир томонда уйи таъмирга муҳтож. Устига-устак ишсиз...**



# Яхшиямки, яхшилар бор дунёда

Ана шундай оғриқли кунларда оила ҳаётидан яхши хабардор бўлган маҳалла аҳли туман ҳокими қабулига бориб, уй-жой таъмирида амалий ёрдам сўрашди. Ўзлари ҳам ёрдам беришга шай эканликларини айтишди. Қабулдан сўнг Наргиза Темированинг яшаш хонадони ўрганилди.

Қарангки, хайрли ишга ҳисса қўшаман, деганлар ҳам бир пасда кўпайиб кетди. Ишга тез киришилди. Таъмир учун зарур бўлган қурилиш материаллари олиб келинди. Кўп ўтмай Наргиза Темированинг ҳовлисида 3 хонали шинам уй қад ростлади.

Тўйга тўёна деганларидек, Наргизахонга туман ҳокимининг ташаббуси билан оиланинг даромад манбаига эга бўлиши учун тикув машинаси ва қорамол олиб берилди.

Ушбу муборак кунларда туман мутасаддилари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида Наргиза Темировага хонадон калити тантанали тарзда топширилди.

– Яхши инсонларнинг кўмаги билан мушкулим осон бўлди. Бир умр мана шундай ёруғ, шинам, чиройли уйларда яшашни орзу қилар эдик, – дейди Наргиза Темирова. – Давлатимиз ва яхши одамларнинг бу кўмагини ҳеч қачон эсимдан чиқармайман.

**Озодахон ЙЎЛДОШЕВА,**
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Фурқат тумани кенгаши раиси



**Юртимизда сўнгги пайтлар таълим соҳасида ўтказилаётган янги ислоҳотлар ижобий натижаларини бермоқда. Хусусий ҳамда Президент мактабларида, чет тиллари ўргатиладиган замонавий ўқув курсларида – барча-барчасида ёшларимиз пухта билим олишлари, турли касб-ҳунарлар сир-асрорларини мукаммал ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Улардан эса фақат бир нарса – қунт билан таҳсил олишлари, таъбир жоиз бўлса, ўзлари Ҳиротда-ю хаёллари Бағдодда бўлмаслиги талаб этилади.**

# СИФАТЛИ ТАЪЛИМ САМАРАЛАРИ

## ёхуд чет эл университетлари грантларини олаётган ўқувчилар

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашганда, республикамиз вилоятларидаги Президент мактаблари замонавий халқаро стандартларга тўла-тўкис жавоб берадиган даражада барпо этилгани билан алоҳида ажралиб туради. Бошқа мактаблардагидан фарқли ўлароқ, уларда чуқур таълим берилади. Шунга кўра, дарс соатлари ва ихтисослаштирилган фанлар соати кўпроқ. Бундан ташқари, ёшлар хорижлик ўқитувчилардан ҳам сабоқ олишади. Масалан, биргина Тошкентдаги Президент мактабида ҳозир 143 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларга сифатли таълим бериш учун 43 нафар маҳаллий ҳамда 10 нафар чет эллик профессор-ўқитувчилар жалб этилган. Самараси ҳам шунга яраша бўлаётир. Чунончи, 2021-2022 ўқув йилида бу мактабни тамомлаган 24 нафар ўқувчининг барчаси нуфузли университетларга грант асосида ўқишга қабул қилинди. Улар IELTS халқаро имтиҳонида ўртача 7,5 баллни, SAT имтиҳонида эса 1380 баллни қўлга киритишди.

Бу йил ушбу мактабни 22 нафар ўқувчи битиради. Аксарияти ҳозирга қадар чет эллардаги нуфузли университетлардаги 4 йиллик таълим учун тўлиқ грантларга эга бўлган. Биз фаол ўқувчилардан баъзилари билан суҳбатлашиб, уларнинг ютуқлари сири билан танишдик.

– Мен мактабдаги дарс машғулотларидан ташқари бошқа тил курсларига қатнамаганман, – деди Беҳруз Эркинов. – Шундай бўлса-да, IELTS халқаро тил сертификатига эга бўлиш учун имтиҳонга уч кун тайёрланиб, 8 балл олдим. Бундай муваффақиятга эришишимда ўзим ўқиётган билим даргоҳида сифатли таълим берилаётгани, чет эллик устозларим билан инглизча мулоқотда бўлганим жуда қўл келди. Умуман олганда эса, бу йил 15 тадан ортиқ хорижий университетга ҳужжат топширдим. Ҳозирча 3 тасидан жавоб келди ва жами 420 минг доллар миқдорида грант ютиб олдим. Энг катта грантни New York University Abu Dhabidan қабул қилишни хоҳлагандим. Чунки ўқишимни шу университетнинг инженеринг йўналишида давом эттирмоқчи эдим. Ниҳоят, мақсадимга эришдим, мазкур университетга ҳужжатларимни топшириб, 400 минг долларга яқин грантни қўлга киритдим. Бу менга 4 йил бепул таълим олиш имконини беради. Келгуси режаларим ҳам бисёр. Аввало, ўзим танлаган соҳанинг ҳақиқий мутахассиси бўлиб етишишга, Ўзбекистонга янги лойиҳаларни олиб киришга ҳаракат қиламан. Шунга кўра, сидқидилдан ўқийман ва ишлайман.

– Бизнинг мактабимизда иқтидорли ўқувчилар жуда кўп, – дейди Ҳумоюн Ниятқобулов. – Шундан келиб чиқиб, уни ёшларнинг эзгу орзу-мақсадлари рўёбга чиқишига кўмаклашадиган зиё маскани дейиш мумкин. Мен ҳам шу даргоҳда ўқиётиб, дўстим Беҳрузга ҳавас қилдим. Аммо аввалбошда бироз қўрқдим, аниқроғи, «Кутилган натижани қўлга кирита оламанми-йўқми?» дея иккиландим. Бу хавотир олға қадам ташлашимга йўл бермаётган бир пайтда, ота-онамнинг ишончи менга росмана далда бўлди. Қарабсизки, омадим чопиб, Нью Йорк университетидан 45 минг доллар ютиб олдим.

Жорий ўқув йили тугашига ҳали бир ойдан ортиқ вақт бор. Шу боис мактаб ўқувчилари изланишда давом этишяпти. Уларнинг асл мақсадлари эса маълум, аниқроғи, келажакда ўзлари танлаган касбларнинг етук мутахассиси бўлиб етишишдан ҳамда Ватанимиз равнақига баҳоли қудрат ҳисса қўшишдан иборат.

**Азиза ИБРОҲИМОВА,**
ЎзЖОКУ талабаси



Кузатув

**ЗАРИФА РЕСТОРАНДА ИДИШ ЮВУВЧИ БЎЛИБ ИШЛАЙДИ. У ИШДАН ҚАЙТАЁТГАНДА БЕКАТДА ЁШИ УЛУҒРОҚ ИККИ НАФАР АЁЛ «ФАЛОНЧИНИНГ ҚИЗИ ҚАЙТИБ КЕЛИБДИ, ЎЗИЯМ БИР НАРСАДАН ҚУРУҚ ҚОЛГАНДАЙ ОТА-ОНАСИ УНИ ЭРТА ТУРМУШГА БЕРИБ ЮБОРИШГАНДИ...», ДЕБ «ҚИЗҒИН» СУҲБАТ ҚУРИШАРДИ. АЁЛЛАРНИНГ ГАП-СЎЗЛАРИ ЗАРИФАГА ЎЗ ЎТМИШИНИ ЭСЛАТДИ...**

# Эрта турмуш қуриш армонлари



Онасидан гўдаклигида ажралган Зарифани отаси яқинлари билан келишиб, эрта турмушга берди. У эрини илгари танимасди, билмасди. Болалиги оғир кечгани учунми Зарифа жуда ёш бўлса-да, оғир-вазмин эди. У келинлик уйида тонг саҳардан уй юмушларини бажарарди. Аммо тирноқ остидан кир қидирадиган қайнонасидан кўп дакки эшитарди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам у қайнонасининг кўнглини топишга ҳаракат қиларди.

Афсуски, қайнона кун бермади. Турмуш ўртоғи Зарифага «сабрли бўл, ҳали ҳаммаси яхши бўлади», дея далда берарди. Тайинли иш тополмаган эри хорижга кетадиган бўлди. Эр қаерда бўлса, хотин ҳам ўша ерда, деб қайнонаси уни ҳам ўғлига қўшиб жўнатди.

Ўзга юртда эр-хотин тиним билмай ишлашди. Орадан маълум вақт ўтгач, фарзандли бўлишди. Зарифа тажрибасизлиги ва яқинлари ёнида эмаслиги туфайли бола парваришида жуда қийналарди. Боласи ҳар куни тинмай йиғлар, кечаси билан безовта бўлиб ухламасди. Ишдан чарчаб келганлигини рўкач қилган турмуш ўртоғи «боланинг овозини ўчир» дея бақирар, сўнг ўзининг овози ўчиб қоларди, яъни ухлаб қоларди.

Ўзга юртда Зарифа ҳам жисмонан, ҳам руҳан жуда эзилди. Кунларнинг бирида дилбандининг иситмаси 40 даражага кўтарилиб кетди. Ҳужжатлари жойида эмаслиги учун шифокор ҳам чақиролмади. Қийналиб нафас олаётган фарзанди бир маҳал ҳушидан кетди. Бечора Зарифа зор-зор йиғлаб қолаверади. Бўлмади...

Кечқурун ишдан келган эри боланинг ўлганини кўриб, ҳаммаси учун Зарифани айблади ва уни кўчага ҳайдаб чиқарди. Адоқсиз оғриқлар оғушида қолган Зарифага татар миллатига мансуб қўшни аёл Ўзбекистон элчихонасига бориш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ кўрсатди. У шундай қилди ҳам. Элчихонадагилар оғир аҳволдаги аёлга тезда амалий ёрдам кўрсатиб, уни юртга қайтаришди.

Қиссадан ҳисса шуки, қизларнинг тақдирига бефарқ бўлмайлик. Уларнинг жисмонан ва маънан етук бўлиши учун таянч бўлайлик. Қизлар олий ўқув юртларида таҳсил олиб, бирор касб-ҳунарнинг эгаси бўлса, сўнгра оила қурса, қандай яхши. Ўшанда қизларимиз суюкли ёр, севимли келин ва яхши она бўлиб, жамиятга ўз ҳиссаларини янада кўпроқ қўшадилар.

**Гулнора ТОЙЛОҚОВА**

**МУАССИС:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

**«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:**

**Qudratilla RAFIQOV** *(tahrir hay’ati raisi),*
**Ulug‘bek JALMENOV,**
**Anvar ABDUMUXTOROV,**
**Sayfullo AHMEDOV,**
**Akmal SAIDOV,**
**Ravshan BEDILOV,**
**Qutlimurot SOBIROV,**
**Suhrob RAFIQOV,**
**Shoqosim SHOISLOMOV,**
**Hamidulla PIRIMQULOV,**
**Nodira G‘OYIBNAZAROVA,**
**Anvar QULMURODOV** *(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),*
**Mehriddin SHUKUROV** *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*
**Valentina MARSENYAK** *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

**Bosh muharrir**
Husan ERMATOV

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog‘iston Respublikasi –** (+998-97) 506-86-98
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-91) 406-43-24
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-99) 889-98-02
**Navoiy viloyati –** (+998-99) 889-90-28
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-32
**Farg‘ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:**
A. Abdurahmonov

**Musahhihlar:**
D. Xudoyberganova,
D.Ravshanova

**Sahifalovchi:**
H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti** – 21:50
**Topshirildi** – 22:20

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

**Tahririyat hisobraqami:**
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma 220**
Nashr ko‘rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 31278**
**16773** nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:**
Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy.